

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АВАЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**СУПРАМОЛЕКУЛЯР КОМПЛЕКС ҲОСИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ
СУВДА ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН БИОФАОЛ МОДДАЛАРНИ
БИОФАРМАЦЕВТИК МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё
15.00.02 - Фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

УДК: 543.442.3, 544.351.3-16, 546.05, 544.142.3, 628.355.2

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Ибрагимов Авазбек Бахтиярович

Супрамолекуляр комплекс ҳосил қилиш орқали сувда қийин эрийдиган биофаол моддаларни биофармацевтик мақбуллаштириш..... 3

Ибрагимов Авазбек Бахтиярович

Биофармацевтическая оптимизация трудно водорастворимых биоактивных веществ с помощью супрамолекулярного комплексообразования..... 21

Ibragimov Avazbek

Biopharmaceutical optimization of the hardly water soluble bioactive substances by supramolecular complex formation..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ АВАЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**СУПРАМОЛЕКУЛЯР КОМПЛЕКС ҲОСИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ
СУВДА ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН БИОФАОЛ МОДДАЛАРНИ
БИОФАРМАЦЕВТИК МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё
15.00.02 - Фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К348 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.biochem.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Жамшид Менгнорович
кимё фанлари доктори

Дусматов Азиз Файзаматович
фармацевтика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Хабибулла Абдурасулевич
кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Тиллаева Гулнора Урунбаевна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » апрел соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 83. Тел: (+99871) 262-35-40, факс: (+99871) 242-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (237 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 83. Тел: (+99871) 262-35-40, факс: (+99871) 242-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил « 31 » март да тарқатилди.
(2021 йил « 31 » март даги 31 рақамли реестр баённомаси).



Ш.И.Салихов
Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Ш.А.Шомуротов
Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

М.Б.Гафуров
Бир марталик илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик вазиятнинг ёмонлашиши натижасида хавфли юқумли касалликларнинг кенгроқ тарқалиши ва ОИТС ёки ҳануз давом этаётган коронавирус пандемияси каби янги касалликларнинг пайдо бўлиши, микроорганизмларнинг ишлатиб келинаётган дори воситаларига зудлик билан кўникиб олиши ва ҳ.к. янги дори препаратларини яратиш орқали мавжуд бўлган дорилар арсеналини мунтазам равишда янгилаб туришни тақозо этмоқда. Бироқ, узоқ вақт ва катта маблағ талаб этувчи янги препаратларни яратиш билан бирга мавжуд дори воситаларини модификациялаш орқали уларнинг физик-кимёвий, биофармацевтик хоссалари ва биологик фаолликларини яхшилаш муҳим ҳисобланади. Жумладан, ҳозирги кунда тиббиёт амалиётида қўлланилаётган дори воситаларининг 40 фоизидан ортиғи сувда қийин эрийди. Бу препаратларни сувда эрувчан ҳолатга ўтказиш, уларнинг инъекцион дори шаклларини яратиш билан бирга, уларнинг биофаоллигини ошириш, яъни биофармацевтик мақбуллаштириш имконини беради. Шунинг учун дори воситаларини биофармацевтик мақбуллаштириш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда дори воситаларини биофармацевтик мақбуллаштириш, жумладан, уларнинг биомойиллигини ошириш ва доза микдорини камайтириш, инсон организмига ноҳўя таъсирини камайтириш ҳамда зарарланган органга етказиб бериш тизими билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада кимёвий ва физикавий модификациялаш усулларидан фойдаланилган ҳолда препаратларнинг молекуляр комплексларини олиш орқали, яхшиланган фармакологик хусусиятли супрамолекуляр терапевтик тизимлар яратиш, бошқариладиган молекуляр параметр ва физик-кимёвий хусусиятли полимер ташувчилар олиш ва улар билан дори воситаларини иммобилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиш, супрамолекуляр дори тизимларининг таъсир механизмларини аниқлаш зарур.

Бугунги кунда Республикамизда табиий манбалар асосидаги импорт ўрнини босувчи дори воситаларини яратиш, аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўсимлик моддаларидан турли биологик фаолликка эга бўлган моддаларни ажратиб олиш, уларнинг тузилишини аниқлаш ва биологик фаолликларини ўрганиш орқали янги оригинал дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини

яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, маҳаллий ўсимлик ва ҳайвон хом-ашёлари биологик фаол моддаларини тадқиқ қилиш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини ўрганиш ҳамда улар асосида янги, самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-2640-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлар таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, сувда қийин эрийдиган биофаол бирикмаларнинг бир вақтнинг ўзида эрувчанлиги ва биоактивлигини яхшилаш бўйича мақсадли тадқиқотлар деярли ўтказилмаган. Бирок, координацион бирикмалар олиш орқали фақат модданинг эрувчанлигини ёки фақат биофаоллигини оширишга бағишланган бир талай тадқиқотлар мавжуд. Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб лабораториялар ушбу тадқиқотлар билан шуғулланмоқдалар, масалан, Германиянинг Аахен университети профессори У. Енглерт бошчилигидаги ва Вьетнамдаги Сайгон технологик университетининг доктори Тран Хуан Хиеу бошчилигидаги олимлар шулар жумласидан. Соқристалларнинг, хусусан, органик тузларнинг синтези, профессор Д. Крокер бошчилигидаги Ирландия Бернал институтининг кимёвий бўлими олимлари томонидан ўрганилмоқда.

МДХ давлатларида кўплаб илмий жамоалар супрамолекуляр комплексларнинг, шу жумладан металл комплексларининг хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланишмоқда. Хусусан, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.П. Фединнинг Новосибирскдаги А.В.Николаев номидаги Ноорганик кимё институтидagi лабораторияси, Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Физика институти олимлари ҳамда Молдова Фанлар академиясининг Амалий физика институти профессори Ю.М. Чумаков гуруҳи кабилар шулар сирасига киради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Мамлакатимизда академик Парпиев Н.А., профессорлар Шарипов Х.Т., Шобилалов А.А., Азизов Т.А. лар координацион бирикмалар билан, Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти профессори Б.Тошходжаев гуруҳи эса сокрystalларнинг тузилиши ва хоссалари билан шуғулланмоқдалар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-Т048 "Айрим қуйи молекуляр биологик фаол органик бирикмаларнинг универсал кратратогенлар ва микроэлементлар билан комплекс ҳосил қилишини, шунингдек аниқ хусусиятли янги супрамолекуляр материаллар яратиш учун уларнинг мембранотроп хусусиятларини тадқиқ қилиш" (2012-2016 йй.) ва ВА-ФА-Ф7-004 рақамли "Биологик фаол бирикмалар металл комплекслари тузилишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш" (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади супрамолекуляр комплекс ҳосил қилиш орқали сувда қийин эрийдиган биофаол моддаларни биофармацевтик мақбуллаштириш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

моноэтанолламин (МЭА), этилендиамин (ЭДА) иштирокида 3,5-динитробензой кислотаси (ДНБК), бензокаин ва лагохилин томонидан супрамолекуляр комплекс ҳосил қилиш имкониятларини ўрганиш;

синтез қилинган комплексларнинг тузилишини физик-кимё усуллари, метал комплекслар, органик тузлар ва циклодекстринлар (ЦД) асосидаги мезбон-меҳмон комплексларнинг молекуляр ва кристалл структурасини рентген структура таҳлили (РСТ) ёрдамида аниқлаш;

олинган супрамолекуляр комплексларнинг сувдаги эрувчанлигини ва уларнинг специфик биологик фаоллигини аниқлаш;

биофармацевтик мақбуллаштирилган препаратларни дори сифатида қўлланилишининг имкониятларини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сувда қийин эрийдиган, металл комплекслар ҳосил қилиши мумкин бўлган донор атом гуруҳларига ва турли биофаолликка эга бўлган ДНБК, бензокаин ва лагохилин моддалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб синтез қилинган моддаларнинг молекуляр ва кристалл тузилиши, шунингдек, сувда эрувчанлиги ва специфик биологик фаоллигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида элементлар таҳлили, масс- ва ИҚ-Фурье-спектрометрияси, термик методлар, кукукли ва монокристал РСТ, шунингдек сувдаги эрувчанликни ўлчаш ва микробларга қарши фаолликни аниқлаш ҳамда молекулалараро таъсирлашувни ҳисоб-китоб қилиш усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ДНБКнинг металл комплекслари (2) ва органик тузлари (2) ҳамда бензокаиннинг β -ЦД (1), лагохилиннинг γ -ЦД (1), β -ГП-ЦД (1) ва γ -ГП-ЦД(1) билан ҳосил қилган клатратларидан иборат бўлган 8 та янги модда синтез қилинган;

янги 6 модда монокристалл кўринишида олинган ва уларнинг молекуляр ҳамда кристалл тузилишлари аниқланган;

ДНБК ва ЭДАнинг аралаш-лигандли рух комплексининг моноклиник ва орторомбик полиморф модификациялари синтез қилинган;

ДНБКнинг МЭА билан ҳосил қилган органик тузининг янги моноклиник полиморфи олинган;

Хиршфелд сиртини ҳисоблаш орқали ДНБК ва ЭДАнинг аралаш-лигандли рух комплексининг иккита полиморф модификацияси кристалларида аниқланган молекулалараро контактларнинг турлар бўйича тақсмоти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сувда қийин эрийдиган биологик фаол моддаларнинг биофармацевтик мақбуллаштириш усули ишлаб чиқилган;

сувда қийин эрийдиган учта препаратнинг эрувчанлиги супрамолекуляр комплекслар, айниқса ЦД клатратларини ҳосил қилиш ёрдамида яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тегишли статистик маълумотлар ва ўтказилган тажрибалар натижаларининг такрорийлиги билан асосланади ва олинган бирикмаларнинг аксариятининг тузилиши кимёвий моддаларнинг тузилишини аниқлаш учун мутлақо объектив усул деб ҳисобланган РСТ усули қўлланилганлиги билан изоҳланади; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, тажриба натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган маҳаллий ва халқаро илмий журналларда чоп этилганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти супрамолекуляр бирикмалар олиш ёрдамида сувда қийин эрийдиган ва фаоллиги кам моддаларнинг хусусиятини биофармацевтик мақбуллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф қилинган молекуляр комплекслар ҳосил қилиш усуллари фаоллиги кам ва қийин эрийдиган препаратларнинг биофармацевтик хусусиятларини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Супрамолекуляр комплексларнинг синтези, тузилиши, сувда эрувчанлиги ва биофармацевтик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

супрамолекуляр комплекс ҳосил қилиш орқали сувда қийин эрийдиган биологик фаол моддаларни биофармацевтик мақбуллаштириш усули №ВА-ФА-Ф7-004 “Биологик фаол бирикмаларнинг металл комплекслари тузилишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш” лойиҳасида муайян биофаолликка эга бўлган янги аралаш-лигандли координацион бирикмаларни

олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 5 февралдаги 18/1255-348-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган усул биофаол дори воситаларини яратиш имконини берган;

синтез қилинган супрамолекуляр комплекслардан 5 тасининг тузилиши Англиядаги маълумотлар базаси – Кембридж структуравий маълумотлар банкига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/solutions/csd-system/components/csd/>). Натижада, банкка қўшилган янги моддалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг "**Адабиётлар шарҳи**" деб номланган **биринчи бобида** супрамолекуляр комплекслар ва уларнинг классификацияси қараб чиқилган, бунда молекуляр комплекслар, мезбон-мехмон комплекслар ва координацион бирикмалар алоҳида муҳокама қилинган. Металл комплексларнинг полиморфизми ва изоморфизми, сувда қийин эрийдиган биологик фаол моддаларни биофармацевтик оптималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва ўрганилаётган объектларнинг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг "**Супрамолекуляр комплекслар синтези ва тадқиқот усуллари**" деб номланган **иккинчи боби** тадқиқот объектлари ва усулларига бағишланган бўлиб, унда супрамолекуляр комплекслар қандай синтез қилингани кўрсатилган, элементлар таҳлили, ИҚ-Фурье- ва масс-спектрометрияси, термик таҳлил, РСТ каби моддаларнинг тузилишини

аниқлайдиган усуллар тавсифланган, олинган моддаларнинг сувда эрувчанлигини ўлчаш ва микробларга қарши фаоллигини аниқлаш усули шарҳланган ҳамда метал комплекслардаги молекулалараро таъсирни назарий баҳолаш усули изоҳланган.

Диссертациянинг "**3,5-динитробензой кислотасининг органик тузлари ва металл комплекслари**" номли учинчи бобида ДНБК, МЭА ва ЭДА асосида олинган координацион бирикмалар ва молекуляр комплексларнинг тузилиши муҳокама қилинган.

ДНБК сувда ёмон эрийди, чунки унинг эрувчанлиги атиги 1,35 мг/мл ни ташкил қилади. Ушбу модда замбуруғларга қарши кучсиз биологик фаолликни намоён этади, масалан, *M.gypseum* га нисбатан унинг фаоллиги (минимал ингибирлаш концентрацияси) 3 ммол/л дан иборат. Бундай арзон, топилиши осон ва тузилиши содда бўлган моддадан антимиқроб восита сифатида фойдаланиш катта истиқболга эга. Шунинг учун унинг сувда эрувчанлиги ва биологик фаоллиги каби хоссаларини биофармацевтик мақбуллаштириш талаб этилади.


Сувда қийин эрийдиган фаол фармацевтик ингредиентларнинг (ФФИ) биофармацевтик хусусиятларини мақбуллаштириш учун бир қатор замонавий ёндашувлар қўлланилади. Улар орасида комплекс ҳосил қилиш ёндашувининг хусусий ҳоли бўлган координацион бирикмалар ва органик тузларни синтез қилиш усуллари алоҳида ўрин олган. Ушбу ёндашувни амалга ошириш учун асос характериға ва бир хил турдаги биофаолликка эга бўлган комплекс ҳосил қилувчи ёрдамчи модда талаб этилади. Бундан ташқари, ёрдамчи модда металл ионлари билан координацияга киришиш салоҳиятиға эга бўлиши, яъни ёрдамчи лиганд бўлиб хизмат қилиши лозим. МЭА ва ЭДА микробларга қарши мўътадил ёки кучсиз фаолликка эга бўлган ва кучли хелатлаш қобилиятини намоён қиладиган айнан шундай бирикмалар ҳисобланади.

Диссертацияда олинган супрамолекуляр комплексларнинг тузилиши тўғрисидаги дастлабки маълумотлар элементлар таҳлили, ИҚ-спектрометрия, кукунли рентген дифрактометрияси ва баъзан термик анализ усуллари ёрдамида олинди.

Органик тузлар. Органик туз ҳосил бўлиши учун тузнинг кислота ва асосдан иборат таркибий қисмларининг pK_a лари орасидаги фарқ учдан каттароқ бўлиши керак ("Учлар қоидаси"). ДНБКнинг МЭА билан ҳосил қилган сокристали учун pK_a (МЭА) – pK_a (ДНБК) $9.50-2.82=6.68$, ЭДА билан эса – pK_a (ЭДА) – pK_a (ДНБК) $10.71-2.82=7.89$ ни ташкил қилади, яъни 3-дан сезиларли даражада кўп. "Учлар қоида" сига биноан, ДНБК ва МЭА ёки ЭДА ўртасидаги сокриссталлар органик туз шаклида бўлиши керак.


ДНБКнинг МЭА билан ҳосил қилган органик тузининг кристалл ва молекуляр тузилиши унинг монокристаллини ўстириб, рентген структура таҳлили ёрдамида аниқланди. Кристаллнинг асимметрик қисмида битта ДНБК⁻ ва битта МЭА⁺ молекуласи мавжуд (1-расм, а). Улар N(3)-H(3A)···O(1) ва O(7)-H(7)···O(6) водород боғлари ёрдамида граф-сети R²₂(13) бўлган 13-аъзоли ҳалқаларга бирлашган. Н-боғлар жуфти N(3)-H(3A)···O(1)

ва $N(3)-H(3B)\cdots O(2)$ граф-сети $R^4_4(12)$ бўлган 12-аъзоли ҳалқаларни ҳосил қилади. Н-боғлар орқали иккита 13-аъзоли ва битта 12-аъзоли ҳалқалар у-ўқи йўналишига параллел бўлган устунларга бирлашган. Ушбу устунлар $O(7)-H(7)\cdots O(7)$ боғлари орқали (101)-текислигига параллел бўлган 2-D каркасга жамланади (2-расм).



1-расм. (ДНБК·МЭА⁺) органик тузи элементар ячейкасининг асимметрик қисми: ушбу диссертация ишида олинган янги моноклиник полиморф (а) ва ICiMOX реф-кодили аввалдан маълум бўлган орторбомбик полиморф (б). Новодород атомларининг термал эллипсоидлари 30% ли эҳтимоллик билан чизилган.


Кембриж структура маълумотлар банки (КСМБ) таҳлили шуни кўрсатадики, ДНБК ва МЭА ўртасидаги органик туз аллақачон маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган, аммо мазкур ишда олинган моноклиник туздан фарқли ўларок, у $P2_12_12_1$ орторомбик фазовий гуруҳда кристалланади, яъни



2-расм. ДНБКнинг МЭА билан ҳосил қилган органик тузи моноклиник полиморфининг кристалл тузилиши.

биз томонимиздан органик тузнинг янги полиморф модификацияси синтез қилинган.

Орторомбик полиморфда анионларнинг катионлар билан бирикиши граф-сети $R^2_2(9)$ бўлган ҳалқани ҳосил қилиш орқали содир бўлади. Ҳалқалар ДНБК карбоксилат гуруҳининг кислород атомлари ва МЭАнинг гидроксил ва протонланган аминогуруҳлари орасидаги бир жуфт Н-боғлар асосида ҳосил бўлади (1-расм, б).




3-расм. ДНБКнинг ЭДА билан ҳосил қилган органик тузида катионларнинг анионлар билан боғланиши.

ДНБК ва ЭДА ўртасидаги органик туз кристаллининг асимметрик қисмида битта ДНБК ва яримта ЭДА молекуласи бор, чунки диамин тутган молекула инверсия марказида жойлашган. ДНБК карбоксил гуруҳларининг протонлари ЭДАнинг азот атомларига ўтиб, уларни икки зарядли анионларга айлантирган. Ҳар бир ДНБК молекуласига ЭДАнинг яримта молекуласи тўғри келади, яъни тузнинг таркиби $(2\text{ДНБК}^-) \cdot (\text{ЭДА}^{2+})$ формуласи билан ифодаланади. Катион молекуласи икки анион молекуласи билан нисбатан кучли бўлган $\text{N}-\text{H} \cdots \text{O}$ ва $\text{C}-\text{H} \cdots \text{O}$ типидagi Н-боғлар орқали граф-сети $\text{R}^2_2(6)$ бўлган 6-аъзоли ҳалқаларга бирлашади (3-расм).

ДНБК ва ЭДА асосидаги металл комплекслар. Таркибида $\text{Zn}(\text{II})$ тузи, ДНБК ва ЭДА тутган сувли этанолли эритмадан 20 ва 30°C да аралаш-лигандли метал комплексларнинг моноклиник ва орторомбик полиморфи олинган.

Моноклиник полиморфда комплекс молекулалар хусусий ҳолатда - иккиламчи айланиш ўқида жойлашган. ДНБК молекулалари рух ионининг мусбат зарядини компенсация қилиш учун бензоат кўринишига ўтган карбоксил гуруҳининг кислород атоми орқали монодентат усулда координация қилинган. Комплекс молекулада иккала азот атомлари орқали хелатли координация қилинган битта этилендиамин молекуласи мавжуд (4-расм). Марказий атомнинг полиэдри - бузилган тетраэдр, унинг идеалликдан оғиш даражаси тўғрисида 1-жадвалда келтирилган валент боғлари ва бурчаклари бўйича хулоса қилиш мумкин. MERCURY дастурий мажмуаси таркибига кирган MOGUL дастурининг гувоҳлик беришича метал комплексидаги барча геометрик параметрлар одатий қийматларга эга.



4-расм. $[\text{Zn}(\text{ДНБК})_2(\text{ЭДА})]$ бирикмасининг моноклиник полиморфида комплекс молекуланинг тузилиши.

ДНБК молекуласи деярли ясси, карбоксилат гуруҳи ароматик ядро билан копланар ($0.47^\circ(7)$), нитрогуруҳлар N1O3O4 ва N2O5O6 ларнинг бензол цикли билан ҳосил қилган икки қиррали бурчаклари $4.14(8)$ ва $4.51(8)^\circ$ ни ташкил этади.

Комплекс молекулалардан кристал структуранинг ҳосил бўлишида аминогуруҳнинг иккала водород атоми водород боғларининг ҳосил бўлишида ўзининг донорлик хусусиятини намоён қилади. Водород атомларидан биттаси карбоксилат гуруҳининг координация

қилинмаган кислород атоми O2 билан нисбатан заиф ва узунлиги $3.127(3) \text{ \AA}$ бўлган Н-боғида иштирок этади. Иккинчи водород атоми ҳам нитрогуруҳнинг кислород атоми O4 билан $3.052(3) \text{ \AA}$ узунликдаги заиф Н-боғини ҳосил қилади. Қолган 4 та кристаллографик жиҳатдан мустақил бўлган кислород атомлари молекулалараро водород боғларига жалб этилмайди. Шунга қарамадан, комплекс молекуланинг иккинчи даражали


айланиш ўқида жойлашгани ва $C2/c$ гуруҳининг юқори симметрияга эгаллиги сабабли, қайд этилган 2 та боғ молекулаларни 3 ўлчамли каркасга бириктиради.

1-жадвал. $[Zn(ДНБК)_2(ЭДА)]$ комплексининг моноклиник полиморфида Zn^{2+} ионининг валент боғлари ва бурчаклари


| Боғ ёки бурчак | Қиймати | Боғ ёки бурчак | Қиймати |
|----------------|------------|----------------|------------|
| Zn-O1 | 1.935(2)Å | Zn-N3 | 2.028Å |
| O1-Zn-N3 | 119.11(8)° | O1-Zn-O1_s | 96.22(8)° |
| O1-Zn-N3_s | 118.73(8)° | O1_s-Zn-N3 | 118.73(8)° |
| N3-Zn-N3_s | 87.18(8)° | O1_s-Zn-N3_s | 119.11(8)° |

Симметрия коди: $s = 2-x, y, 3/2-z$

Орторомбик полиморфда комплекс молекулалар $Pbca$ фазовий гуруҳининг умумий ҳолатида жойлашади ва унинг конформацияси $N-H \cdots O$ шаклидаги ички молекуляр водород боғи орқали барқарорлашади. Мазкур полиморфда бешта молекулалараро Н-боғлар комплекс молекулаларни икки ўлчамли каркасга бирлаштиради, моноклиник полиморфда бир жуфт водород боғи 3-D ўлчамли структурани ҳосил қилади.



а)




б)

5-расм. $[Zn(ДНБК)_2(ЭДА)]$ комплексининг моноклиник (а) ва орторомбик (б) полиморфларининг дифрактограммалари.


Молекуляр ва кристал структураларни таққослаш, молекулалараро таъсирлашувнинг самарадорлигини ва полиморфларда молекулаларнинг таҳлиниш энергиясини баҳолаш учун тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Табиийки, полиморфлар батамом ҳар-хил дифрактограмма-



6-расм. $[Zn(ДНБК)_2(ЭДА)]$ нинг моноклиник (пушти ранг) ва орторомбик (яшил ранг) полиморфларидаги комплекс молекулалар конформациясининг фарқланиши.

ларга эга бўлиб (5-расм), улар MERCURY дастурий мажмуасининг таркибига киритилган XPOW дастури ёрдамида ҳисобланган. Полиморфларда комплекс молекулаларнинг конформацияси турлича, масалан, орторомбик полиморфда молекула чўзиқроқ бўлиб, ДНБКнинг иккита координация қилинган нитрогуруҳлари орасидаги энг кичик масофа 7.84 Å ни ташкил этади. Мазкур масофа моноклиник полиморфда эса 4.55 Å га тенг (6- ва 7-расмлар). Кристалнинг зичлиги ва тахланиш энергияси моноклиник полиморфда 1.70 г/см³ ва -253.5 кДж/моль ни ташкил этади, орторомбик полиморфда эса бу катталиклар 1.79 г/см³ ва -267.4 кДж/моль га тенг, яъни орторомбик полиморфга зичроқ тахланиш ва кичикроқ энергия хос.



7-расм. [Zn(ДНБК)₂(ЭДА)] комплексининг моноклиник (а) ва орторомбик (б) полиморфларининг Хиршфельд сиртлари.

Молекулалараро таъсирлашувни баҳолаш мақсадида ўтказилган Хиршфельд (Hirshfeld) сиртининг ҳисоб-китоби моноклиник полиморфда Н \cdots О/О \cdots Н контактлар ҳиссасига 47.1%, орторомбик полиморфда эса 43.4 % таъсирлашув тўғри келишини кўрсатди. Бироқ 7-расмда яққол ажралиб турган ва қизил ранг билан кўрсатилган контактлар ҳар бир полиморфда атиги 7% ни ташкил этган N-H \cdots O боғларга тўғри келади.

Олинган органик туз ва металл комплексларнинг сувда эрувчанлиги. ФФИларнинг сувда эрувчанлигини таҳлил қилиш, туз ва металл комплекслари ҳосил бўлиши натижасида эрувчанлик бироз ёки сезиларли даражада ошиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, куркуминнинг сувда эрувчанлиги унинг мис билан координацион бирикмасини олиш натижасида 4 баравар (0,100 дан 0,417 мг/мл гача) яхшиланади, ДНБКнинг кадмий билан метал комплекси тайёрланганда эса лиганднинг эрувчанлиги деярли 40 баравар кўпаяди (1,350 дан 49,500 мг/мл гача). Норфлоксациннинг гидроксibenзой кислота изомерлари билан молекуляр комплекс ҳосил қилиши эрувчанликни (0,38 мг/мл) 45 мартагача кўпайишига олиб келади, амбазон мисолида эрувчанлик (0,04 мг/мл) атиги 2,5 баравар яхшиланади.

ДНБК асосида олинган органик тузлар ва металл комплексларнинг сувда эрувчанлиги аниқланди (2-жадвал). МЭА ва ЭДА билан органик тузлар ҳосил бўлганда эрувчанлик 10,25 ва 11,15 марта яхшиланади, ДНБК ва ЭДА билан рухнинг моноклиник ва орторомбик аралаш-лигандли комплекслари синтез қилиниши эса сувда эрувчанликнинг 6,15 ва 7,20 мартага кўпайишига олиб

келади, яъни орторомбик полиморфнинг эрувчанлиги моноклиник аналогига нисбатан 15 % га ортиқ. Орторомбик полиморфда О-Н...О контактларнинг улуши 43.4 %, моноклиник диморфда эса 47.1 % ни ташкил этади (7-расм). Моноклиник полиморфда мазкур контактлар улушининг 10 % га ортиши эрувчанликнинг 15 % га кўпайишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, МЭА ва ЭДА нинг сувда жуда юқори эрувчанлигига қарамай, улар рухнинг координацион сферасидан ўрин олганда, металл комплекснинг эрувчанлигига кучли таъсир кўрсатмайди.

2-жадвал. ДНБКнинг синтез қилинган органик тузлари ва металл комплексларининг сувда эрувчанлиги


| № | Комплекс | Комплекснинг тури | Сувда эрувчанлик, мг/мл |
|----|------------------------------------------------------|---------------------|-------------------------|
| 1. | ДНБК | Дастлабки модда | 1.35 |
| 2. | (ДНБК) ⁻ (МЭА) ⁺ | Органик туз | 10.25±0,1 |
| 3. | (ДНБК) ₂ ⁻ (ЭДА) ²⁺ | Органик туз | 11.15±0,1 |
| 4. | [Zn(ДНБК) ₂ (ЭДА)] | Моноклиник полиморф | 6.15±0,1 |
| 5. | [Zn(ДНБК) ₂ (ЭДА)] | Орторомбик полиморф | 7.20±0,1 |

Шундай қилиб, ДНБКнинг органик тузлари ва аралаш-лигандли комплексларининг ёрдамчи моддаларни жалб қилган ҳолда ҳосил бўлиши мисолида сувда эрувчанликнинг сезиларли даражада ошиши кузатилмайди. Ҳозирча мавжуд маълумотларга асосланиб, органик тузларнинг ҳосил бўлиши металл комплекслар олинишига нисбатан яхшироқ оптималлаштиришга олиб келади деб айтиш мумкин. Янада яхшироқ биофармацевтик мақбуллаштириш учун бошқа усулларни, масалан, циклодекстринлар билан мезбон-меҳмон комплексларни олишни кўриб чиқиш керак.

ДНБК ва ЭДАнинг **биологик фаоллигини** аниқлаш бўйича ўтказилган тестлар улар *Shigella dysenteriae*, *Salmonella enterica*, *Klebsiella pneumoniae*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Eschericia coli* каби грамсалбий ва *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus pyogenes*, *Bacillus subtilis*, *Enterococcus faecalis* каби грамомусбат бактерияларга нисбатан антимиқроб таъсирга эгалигини кўрсатди. Тайёрланган препаратларнинг микробларга қарши фаоллигини баҳолаш учун ҳар бир микроб гуруҳидан биттадан вакил танлаб олинди, яъни *Eschericia coli* ва *Staphylococcus aureus* иштирокида тажрибалар ўтказилди. Препаратлар *Candida albicans* га нисбатан нофаол бўлиб чиқди. Тажриба натижалари 8-расмда кўрсатилган.

ДНБК ва ЭДА 50 мкг/мл концентрацияда кучсиз антимиқроб фаолликни намоён қилади, чунки иккала штамм учун ингибирлаш зонасининг ўлчами 9-12 мм дан ошмайди. Мазкур моддалар иштирокидаги органик туз 43%

кўпроқ фаоллика эга, $[Zn(ДНБК)_2(ЭДА)]$ бирикмасининг полиморфлари эса 67% кўп фаолликни намоён қилади. Демак, полимоф метал комплекслар антимикроб препаратлар яратиш учун номзод сифатида кейинги тадқиқотларга тавсия этилиши мумкин.



| Бактерия | ЭДА | ДНБК | ДНБК+ЭДА | $[Zn(ДНБК)_2ЭДА]$ |
|-----------------------------|---------|---------|----------|-------------------|
| <i>Escherichia coli</i> | 10±1 мм | 12±1 мм | 14±1 мм | 16±1 мм |
| <i>Streptococcus aureus</i> | 9±1 мм | 12±1 мм | 16±1 мм | 19±1 мм |

8-расм. ДНБК, ЭДА ва улар асосидаги комплексларнинг антимикроб фаоллиги: а) *Escherichia coli*, б) *Streptococcus aureus*; 1 - ЭДА, 2 - ДНБК, 3 - ДНБК+ЭДА, 4 - $[Zn(ДНБК)_2ЭДА]$.

"Циклодекстринлар билан комплекслар" деб номланган **4-боб** турли циклодекстринларнинг комплекслари, яъни бензокаиннинг β -ЦД, лагохилиннинг эса γ -ЦД, β - ва γ -ГП-ЦД билан ҳосил қилган мезбон-меҳмон комплексларини олиш, тузилиши ва эрувчанлигини аниқлашга бағишланган.


Бензокаиннинг β -ЦД билан ҳосил қилган комплексида меҳмон молекулалари тороид ўқида икки ориентацияни эгаллаган ҳолда жойлашади. Мезбон, меҳмон ва 8 та кристаллизация сув молекулалари 23 та мураккаб водород боғлари ёрдамида 3-ўлчамли кристалл структурага бирлашади. Унда ичида бензокаин молекулалари жойлашган ЦД молекулаларидан ташкил топган нанотрубкалар яққол кўриниб турибди (9-расм). Бензокаиннинг эрувчанлиги 0,4 мг/мл, β -ЦДники эса 18,5 мг/мл ни ташкил қилади. Янги тайёрланган β -ЦДнинг комплекси 4,8 мг/мл эрувчанликни намоён қилади, яъни меҳмон моддасининг эрувчанлиги 12 марта мақбуллаштирилади.

P42₁2 тетрагонал фазовий гуруҳда кристалланадиган γ -ЦДнинг лагохилин билан ҳосил қилган клатратида носимметрик меҳмон молекулалари тўртинчи даражали ўқда жойлашган. Шу сабабли, лагохилин молекулалари тўрт йўналишда тартибсиз жойлашган бўлиб, рентген структура таҳлили натижаларидан молекулалар аниқ кўринмайди. Лагохилиннинг сувда эрувчанлиги 0,2 мг/мл, γ -ЦДнинг эрувчанлиги 232,0 мг/мл, комплекснинг эрувчанлиги эса 22,0 мг/мл ни ташкил қилади.

Лагохилиннинг β - ва γ -ГП-ЦД билан ҳосил қилган комплекслари.

Лагохилиннинг эрувчанлигини янада ошириш мақсадида циклодекстрининг эрувчанлиги юқори бўлган, масалан гидроксипропил ҳосиласи ишлатилди.

β - ва γ -ГП-ЦД билан лагохилиннинг 10-расмда кўрсатилган 2:1 таркибли клатратлари олинди. Натив β - ва γ -ЦДнинг гидроксил гуруҳлари статистик



9-расм. Бензокаин молекуласининг β -ЦД молекуласи ичида жойлашиши ва кристал структуранинг ҳосил бўлиши. Нуқталар билан кристаллизацияон сув молекулалари кўрсатилган, бензокаин молекулаларининг 2 та тартибсизланган ҳолатидан биттаси келтирилган.

препаратларни сичқонларга юбориш орқали аниқланди. Натижалар шуни кўрсатдики, препаратларнинг ўртача летал дозаси LD_{50} 5000 мг/кг дан ортиқ, заҳарлилик синфи VI, яъни улар нисбатан безарар моддалар эканлиги маълум бўлди.


Комплексларнинг махсус фаоллиги.

Препаратларнинг томир-тромбоцитар гемостазига таъсири каламушлардаги қон кетиш вақти ва қон йўқотиш миқдорига қараб баҳоланди. Натижалар шуни кўрсатдики, препаратлар хорижий дицинон, маҳаллий лагоден ва лаговинга қараганда анча юқори биофаолликка эга. Масалан, лагохилиннинг β - ва γ -ГП-ЦД билан ҳосил қилган клатратларининг энг самарали дозаси 1 ва 1 (5) мг/кг ни ташкил этса, дицинон, лагоден ва лаговиннинг шундай дозалари мос равишда 30, 25 ва 2 мг/кг дан

равишда гидроксипропил гуруҳларга алмаштирилгани сабабли ЦДларнинг бирламчи ҳосилалари аморф кўринишда бўлган ва натижада тайёрланган клатратлар ҳам кристалликни намоен қилмаган. Шу сабабли олинган клатратларнинг тузилишини РСТ ёрдамида аниқлаш мумкин бўлмади ва хулосаларга клатратларнинг эрувчанлиги, ИҚ- ва масс-спектри ҳамда термик таҳлили асосида келинди. Лагохилиннинг ГП- β -ЦД билан ҳосил қилган клатратининг сувда эрувчанлиги 1300 мг/мл, ГП- γ -ЦД билан ҳосил қилган клатратиники эса 1500 мг/мл ташкил этди, яъни мазкур комплекслар мисолида лагохилиннинг эрувчанлигини 6500 ва 7500 марта оширишга муваффақ бўлинди!

Комплексларнинг ўткир заҳарлилиги

Биоорганик кимё институтининг фармакология лабораториясида к.ф.н. Выпова Н.Л. билан биргаликда



10-расм. Ҳар хил ГП-ЦДларнинг лагохилин билан ҳосил қилган клатратларининг тузилиши. ГП- β -ЦД учун: $n=1$, $R_1=H$, $R_2=CH_2CH(OH)CH_3$ ва ГП- γ -ЦД учун: $n=2$, $R_1=H$, $R_2=CH_2CH(OH)CH_3$.

иборат. Ушбу дозаларда лагохилин ва ГП-β-ЦД орасидаги комплекснинг биологик таъсири 2.6, 1.4 ва 1.3, ГП-γ-ЦД клатратининг фаоллиги эса 2.2 (5.7), 1.2 (3.1) ва 1.1 (2.9) марта ортиқ бўлди, яъни 1 мг/кг дозада клатратлар фаоллигининг энг кўп ортиши юқорида кўрсатилган аналогларга нисбатан 2.6 ва 2.2 мартани ташкил этди. Агар ушбу клатратларда, масалан, лагохилиннинг ГП-β-ЦД билан ҳосил қилган клатратида лагохилиннинг улуши атиги 10.3 % ни ташкил этишини ҳисобга олсак, унинг дицинон, лагоден ва лаговинга нисбатан фаоллигининг ортиши янада юқорироқ бўлади ва 25.2, 13.6 ва 12.6 мартани ташкил этади. Препаратларнинг лаговинга нисбатан яна бир устунлиги уларнинг организмдан тез чиқиб кетиши ва 100 марта катта терапевтик индексга эга бўлишидир.

Шундай қилиб, биофармацевтик мақбуллаштириш натижасида лагохилиннинг сувда эрувчанлигини 7500 мартага, гемостатик фаоллигини эса 2.6 (25.2) баробарга оширишга эришилди! Ҳозирги кунда мазкур препаратлар патентланмоқда.

3а-жадвал. Моддаларнинг сувда эрувчанлиги бўйича гуруҳларга бўлиниши

| Гуруҳ | Эрувчанлик | Эрувчанлик чегараси, мг/мл |
|-------|---------------|----------------------------|
| 1 | эрмайди | <0.1 |
| 2 | ёмон эрийди | 0.1-1 |
| 3 | кам эрийди | 1-10 |
| 4 | ўртача эрийди | 10-30 |
| 5 | эрийди | 30-100 |
| 6 | осон эрийди | 100-1000 |
| 7 | яхши эрийди | >1000 |

3б-жадвал. Супрамолекуляр мақбуллаштириш учун тайёрланган комплексларнинг эрувчанлиги

| № | Бирламчи модда, унинг мг/мл даги эрувчанлиги ва гуруҳи | Супрамолекуляр комплекс | Эрувчанлик (мг/мл) ва унинг гуруҳи | Эрувчанлик неча марта ортади ва гуруҳи қандай ўзгаради |
|----|--------------------------------------------------------|------------------------------------------------------|------------------------------------|--------------------------------------------------------|
| 1. | ДНБК, 1.35, 3 | (ДНБК) ⁺ (ЭДА) ⁻ | 11.15±0.1, 4 | 8.25;1 |
| | | [Zn(ДНБК) ₂ (ЭДА)] Моноклиник полиморф | 6.15±0.1, 3 | 4.55; 0 |
| | | [Zn(ДНБК) ₂ (ЭДА)] Орторомбик полиморф | 7.20±0.1, 3 | 5.85; 0 |
| 2. | Лагохилин, 0.2, 2 | γ-ЦД билан комплекс | 22.0±0.1; 4 | 110.0; 2 |
| | | ГП-β-ЦД билан комплекс | 1300.0±0.1, 7 | 6500.0; 5 |
| | | ГП-γ-ЦД билан комплекс | 1500.0±0.1, 7 | 7500.0; 5 |
| 3. | Бензокаин, 0.4, 2 | β-ЦД билан комплекс | 4.80±0.1, 3 | 12.0;1 |

Супрамолекуляр комплекс ҳосил бўлиши натижасида олинган моддаларни тадқиқ қилиш органик туз ва метал комплекслар ҳосил бўлганда ҳақиқатан эрувчанлик яхшиланишидан далолат берди, бироқ бу яхшиланиш кутилганидек эмас, органик тузда эрувчанлик кўпроқ ортади (3б-жадвал).

Бироқ, эрувчанликни кескин ошириш учун циклодекстринларни яхши эрийдиган қилиш мақсадида синтез қилинган ҳосилалари билан комплекс олиш усулини қўллаш лозим. Дарҳақиқат, лагохилиннинг γ -ЦД билан ҳосил қилган клатратида лагохилиннинг эрувчанлиги 110 марта яхшиланади, уни янада ошириш учун ГП- β -ЦД ва ГП- γ -ЦД қўлланилганда, эрувчанлик мос равишда 6500 ва 7500 марта яхшиланади! Демак, эрувчанликни салмоқли орттириш учун циклодекстриннинг эрувчанлиги сезиларли яхшиланган ҳосилаларини ишлатиш керак.

3в-жадвал. Лагохилиннинг ЦД ҳосилалари билан клатрат ҳосил қилиши натижасида гемостатик фаолликнинг яхшиланиши

| № | Аналог, самарали доза, мг/мл | Лагохилиннинг супрамолекуляр комплекси | Комплекснинг самарали дозаси, мг/мл | Биофаолликни неча баробар ортгани |
|----|------------------------------|------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|-----------------------------------|
| 1. | Дицинон, 30 | ГП- β -ЦД билан комплекс | 1 | 2,6 |
| | | ГП- γ -ЦД билан комплекс | 1 5 | 2,2 5,7 |
| 2. | Лагоден, 25 | ГП- β -ЦД билан комплекс | 1 | 1,4 |
| | | ГП- γ -ЦД билан комплекс | 1 5 | 1,2 3,1 |
| 3. | Лаговин, 2 | ГП- β -ЦД билан комплекс | 1 | 1,3 |
| | | ГП- γ -ЦД билан комплекс | 1 5 | 1,1 2,9 |
| | | Организмдан осон чиқиб кетади, терапевтик индекс 100 марта ортиқ | | |

Супрамолекуляр комплексларда дастлабки моддаларнинг биофаоллиги ортади. Эрувчанлик ва биофаоллик ўртасидаги боғлиқлик умуман олганда сақланиб қолади. Масалан, органик тузда эрувчанлик 8 мартадан ортиқ, рухнинг полиморф комплексларида 5 марта атрофида ошиши оқибатида микробларга қарши фаоллик 43 ва 67 фоизга ортади (3а ва 3б жадвал, 8-расм). Лагохилиннинг ГП- β -ЦД ва ГП- γ -ЦД билан клатратларининг эрувчанлиги 6500 ва 7500 марта ошиши биофаолликни маълум аналогларига нисбатан 2.6 ва 5.7 баробарга кўпайишига олиб келади (3в жадвал).

Шундай қилиб, сувда қийин эрийдиган биофаол моддаларни биофармацевтик нуқтаи назардан мақбуллаштириш усулини ишлаб чиқиш

учун турли биологик фаолликка ва эрувчанлик гуруҳига (3а-жадвал) мансуб бўлган 3 та модда (ёмон ва кам эрийдиган) текширилди.

Муаллиф б.ф.н. Ж.Ташпулатов (ФАнинг Микробиология институти) ва к.ф.н. Н.Выповага (ФАнинг Биоорганик кимё институти) моддаларнинг микробларга қарши ва гемостатик фаоллигини ҳамкорликда аниқлагани учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Хулосалар

1. Илк бор ДНБК билан ЭДА ва МЭА ўртасидаги органик тузлар, рухнинг ДНБК ва ЭДА билан ҳосил қилган металл комплексининг полиморфлари, бензокаиннинг β -ЦД, лагохилиннинг γ -ЦД билан берган кристалл кўринишидаги ҳамда лагохилиннинг β -ГП-ЦД ва γ -ГП-ЦД билан ҳосил қилган аморф кўринишидаги клатратларидан иборат бўлган 8 та супрамолекуляр комплекс синтез қилинди.

2. Синтез қилинган супрамолекуляр комплекслар спектрал усуллар ва рентген кристаллографияси ёрдамида тавсифланди. Барча кристалл кўринишидаги 6 модданинг монокристалли тайёрланди ва тузилиши рентген структура таҳлили ёрдамида аниқланди.

3. ДНБК ва МЭА ўртасидаги органик туз, рухнинг ДНБК ва ЭДА билан ҳосил қилган комплексига полиморфизм ҳодисаси хос эканлиги аниқланди. Тузнинг янги диморфи ва металл комплекснинг икки полиморфи олинди.

4. Рухнинг ДНБК ва ЭДА билан ҳосил қилган металл комплекси диморфларининг Хиршфелд сирти молекулалараро О-Н \cdots О контактларнинг ромбик полиморфда моноклиник диморфга нисбатан камлигини кўрсатди. Ромбик полиморфнинг каттароқ эрувчанликка эга эканлиги ушбу ҳолат билан тушунтирилади.

5. ДНБКнинг сувда эрувчанлиги органик туз ҳосил қилиш орқали 8 мартадан ортиқ, металл комплекс синтез қилиш ёрдамида эса деярли 6 марта яхшиланиши микробларга қарши фаолликни 43 ва 67 фоизга ортишига олиб келди.

6. Лагохилиннинг сувда эрувчанлиги β - ва γ -ГП-ЦД клатратларини олиш орқали 6500 ва 7500 марта оширилди. Ўткир заҳарлилик бўйича мазкур комплекслар VI синфга мансуб бўлган нисбатан безарар бирикмалар эканлиги кўрсатиб берилди. β -ГП-ЦД клатратининг самарадорлиги дицинон, лагоден ва лаговиннинг гемостатик фаоллигидан 2.6, 1.4 ва 1.3 марта, γ -ГП-ЦД клатратининг самарадорлиги эса 5.7, 3.1 ва 2.9 марта ортиқлиги аниқланди.

7. Супрамолекуляр комплекс ҳосил қилиш орқали сувда қийин эрийдиган моддаларни биофармацевтик мақбуллаштириш мумкин эканлиги 3 та модда мисолида кўрсатиб берилди ва мазкур усул бошқа қийин эрийдиган фаол фармацевтик ингредиентлар учун тадбиқ этишга тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ИБРАГИМОВ АВАЗБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**БИОФАРМАЦЕВТИЧЕСКАЯ ОПТИМИЗАЦИЯ ТРУДНО
ВОДОРАСТВОРИМЫХ БИОАКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ
С ПОМОЩЬЮ СУПРАМОЛЕКУЛЯРНОГО
КОМПЛЕКСООБРАЗОВАНИЯ**

**02.00.10 – Биоорганическая химия
15.00.02 – Фармацевтическая химия и фармакогнозия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/К348.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.biochem.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Ашуров Жамшид Менгнорович
доктор химических наук

Дусматов Азиз Файзаматович
доктор фармацевтических наук

Официальные оппоненты:

Юлдашев Хабибулла Абдурасулович
кандидат химических наук, старший научный сотрудник

Тиллаева Гулнора Урунбаевна
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт

Защита диссертации состоится « 8 » апреля 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 при Институте биоорганической химии. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 83. Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: (+99871) 242-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано за № 237). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 83. Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: (+99871) 242-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « 31 » марта 2021 года.
(протокол рассылки № « 1 » от 31 марта 2021 года).



Ш.И.Салихов

Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А.Шомуротов

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н.

М.Б.Гафуров

Председатель научного семинара при разовом научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Обострение и появление некоторых новых болезней в связи с ухудшением экологической обстановки в мире, распространение особо опасных инфекционных заболеваний, включая СПИД и имеющуюся в настоящее время место пандемию коронавируса, быстрое привыкание микроорганизмов к используемым лекарствам и др. требуют постоянного возобновления арсенала существующих лекарственных средств с помощью создания новых оригинальных препаратов. Однако вместе с разработкой новых лекарственных препаратов, требующих длительного времени и больших денежных средств, важное значение имеет улучшение физическо-химических и биофармацевтических свойств, а также биологическую активность существующих лекарств путем их модификации. В частности, более 40% лекарств, используемых в настоящее время в медицинской практике, трудно растворимы в воде. Перевод этих препаратов в водорастворимую форму, даст возможность создать их инъекционные формы и позволяет повысить их биологическую активность. Поэтому разработка новых методов улучшения биофармацевтических свойств лекарств имеет важное значение.

На сегодняшний день в мире проводятся исследования по биофармацевтической оптимизации, в том числе улучшению биодоступности, уменьшению эффективной дозы и побочных действий лекарственных веществ. В этом аспекте важное значение имеет создание супрамолекулярных комплексов терапевтических систем путем химической и физической модификации, получение полимер-носителей с регулируемыми молекулярными параметрами и физико-химическими свойствами, и разработка методов иммобилизации к ним лекарственных препаратов, определение механизмов действия супрамолекулярных лекарственных систем.

На сегодняшний день в нашей Республике ведутся меры по созданию импротазамещающих лекарственных средств на основе природных источников, снабжение населения с качественными лекарственными препаратами. В частности, выделение из растений веществ, обладающих различной биологической активностью, установление их структуры и изучение биологической активности. Конкретные задачи в реализации данной работы предусмотрены в 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «Развитие фармацевтической промышленности, улучшение обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами и медицинскими изделиями»². В связи с этим важным является исследование биологически активных веществ местного растительного и животного сырья,

² Указ Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017 – 2021 годах»

изучение их структуры и активности, а также создание на их основе новых эффективных препаратов.

